


632
Н-842
Ф А Н
ҲАҚИДА
СУҲБАТЛАР

А.НОСИРОВ

ТОК
УНСИМОН
ҚУРТИ
ВА
УНГА
ҚАРШИ
КУРАШ
ЧОРАЛАРИ




А. НОСИРОВ

632
H-342

ТОК УНСИМОН ҚУРТИ
ВА УНГА ҚАРШИ
КУРАШ ЧОРАЛАРИ

бр 12980/2

№ 50



„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
ва „Ўзбекистон Сурх“ бирлашган нашриёти
Тошкент—1963

634.8

Н 28

Носиров А.

Ток унсимон қурти ва унга қарши кураш
чоралари. Т., «Қизил Ўзб-н», «Правда
Востока» ва Ўзб-ни Сурх» нашриёти, 1963.

18 бет, расм. Тиражи 10500

Насыров А. Виноградный мучнистый чер-
вец и борьба с ним.

634.8

КИРИШ

СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планида узум ҳосилини тўрт баробар кўпайтириш кўзда тутилган.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Совети 1960 йилда «Ўзбекистон ССРда боғдорчилик ва токчиликни янада ривожлантириш» ҳақида махсус қарор қабул қилди. Қарорда кўрсатилишича, етти йиллик план топшириқларини ортиғи билан бажариш ҳамда Ўзбекистонда боғдорчиликни ва токчиликни янада ривожлантириш мўлжалланади. Бу тадбирларни амалга оширишда токзорлар майдонларини кенгайтириш билан бирга узум ҳосилини юқори кўтариш керак бўлади.

Узумдан юқори ҳосил етиштиришда унинг касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш катта аҳамиятга эга, чунки улар ҳосилни кўпайтиришга тўсқинлик қилади. Токзорларни зараркунандалардан сақлаш учун уларнинг пайдо бўлиш вақти, кўпайиши ва унга қарши кураш чоралари ва усуллари яхши билиш зарур. Узумнинг энг хавфли зараркунандаларидан бири ток унсимон қурти ҳисобланади. Мазкур брошюрада авторнинг Фарғона водийсида қишлоқ хўжалик илғорлари билан ҳамкорликда ўтказган тажрибаларининг

якунлари талқин этилади. Бунда асосан ток унсимон қуртининг ҳаёт кечириши, зарари, тарқалиши ҳамда унга қарши кураш чоралари ифодаланади.

ТОК УНСИМОН ҚУРТНИНГ ТАРҚАЛИШИ

Ток унсимон қурти жуда кенг тарқалган бўлиб, у АҚШ, Канада, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Месопотамия, Конго, Жазоир, БАҲ, Сардиния ва Сицилиянинг Урта Ер денгизи оролларида, Греция, Италия, Испания, Франция, СССРнинг Қрим, Кавказ, Қора денгизнинг қирғоқлари ва бошқа жойларида учрайди. Урта Осиёда ток ун-



1-расм. Ток унсимон қурти: чапда ургочиси, ўнгда эркаги.

симон қурти биринчи марта 1928 йилда Туркменистоннинг Фирюзан тоғ ораларидаги ёввойи анжирда, кейинчалик эса Тожикистоннинг жану-

бида ва Ўзбекистоннинг Денов районида баъзи тоқларда учратилди. Кейинги йилларда тоқ унсимон қурти Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги, Ленинград, Киров ва Ўзбекистон районларидаги ҳамда Фарғона, Андижон шаҳарларидаги тоқларда учратилди.

Таърифи

Тоқ унсимон қурти кичик сўрувчи ҳашарот бўлиб, урғочиси эркагидан танасининг катта ва баъзи аъзоларининг тузилиши жиҳатидан фарқ қилади. Вояга етган урғочи тоқ унсимон қуртининг (1-расм) узунлиги 3,5—4,0 мм, шакли овал, териси эса сарғиш жигар ранг модда билан қопланган бўлади. Унинг танасининг устки томонида узунасига кетган қорамтир чизиги ва ён томонларида 17 жуфт мумсимон ўсимталари бор. Орқасида бир жуфт дум ипи бўлиб, у бошқа ўсимталарга нисбатан узун ва гавда узунлигининг тўртдан ёки бешдан бир қисмини ташкил этади.

81 Эркаги (1-расм) урғочисига қараганда 2—3 баробар кичик бўлиб, узунлиги 1—1,5 мм га тўғри келади. Танасида бир жуфт қизғиш жигар ранг қаноти, 3 жуфт оёғи, иккита дум ипи ва узун муйловлари бор.

Тоқ унсимон қуртининг личинкаси ташқи кўринишидан вояга етган урғочисини эслатади, ammo танасининг кичик бўлиши билан фарқ қилади. Личинка уч ривожланиш даврини босиб ўтади. Биринчи ёшдаги личинкалар майда бўлиб, танасининг узунлиги 0,7—1 мм га тенг. Туси сарғиш-пушти рангда бўлади, устида эса мумсимон қатлами бўлмайди. Ён томонларида мумсимон ўсимталари кўринмайди.

Биринчи ёшдаги личинкалар серҳаракат ва тез тарқаладиган бўлади. Шунинг учун уларни дайди (бродяжка) дейилади.

Иккинчи ёшдаги личинканинг тана узунлиги 1—1,5 мм бўлиб, танасининг устида мумсимон қатлам пайдо бўлиб, у яхши кўриниб туради. 17 жуфт ён ўсимталари сезилар-сезилмас ҳолатда бўлади. Дум томонидан бир жуфт ипсимон ўсимталар кўрина бошлайди.



2-расм. Тол занги пўстлоғи остига қўйилган тухумлар.

Учинчи ёшдаги личинкалар танасининг узунлиги 2—2,5 мм, улар вояга етган қуртларга тўла ўхшаган бўлади.

Ҳаёт кечириши ва ривожланиши

Ток унсимон қуртининг асосан вояга ётганлари, баъзан эса вояга етмаган личинкалари ҳам қишлаб қолади. Улар зангнинг пўстлоғи тагида ёки зангнинг ёриқлари орасида, тўкилган баргларнинг тагида, токнинг илдиз бўғиз яқинида қишлаб қоладилар. Бундан ташқари ток унсимон қуртлари бегона ўтларда, ҳамда ер ёриқларининг 5—6 см чуқурлигида, ток атрофидаги дарахтларнинг пўстлоғи остида ҳам қишлаб қоладилар.

Ток унсимон қурти бошқа зараркунандаларга нисбатан бир неча хусусиятларга эга. Жумладан, бу ҳашарот партеногенез усулида, яъни эркаксиз урчийди. Чунки Ўрта Осиё шароитида кўпчилик эркак личинкалар қишки совуқларга жуда чидамсиз бўлиши орқасида қирилиб кетади, яъни қишдан чиқа олмайди.


Бизнинг текширишларимиз натижасига қараганда Фарғона областида қишдан чиққан ток унсимон қуртининг урғочиси, қаерда қишлаб қолган бўлса, мазкур жойда тухум қўяди. Кўпинча занг пўстлоғи остига мумсимон халтача ичига тухум қўяди (2-расм). Личинкаларнинг тухумдан чиқиши учун ҳавонинг ҳарорати 16 градусдан кам бўлмаслиги керак. Қишлаб чиққан урғочи қуртлар баҳорда тухумни кейинги наслларига қараганда камроқ қўядиган бўлади (4—40 гача), кейинги насллари эса 200—600 гача етказиб тухум қўяди.

Урғочи личинкалар пўст ташлагандан сўнг 2 ҳафтадан кейин вояга етган ҳолатга айланади.

Фарғона области шароитида 1962—1963 йилги кузатишлар натижасида ток унсимон қуртининг 4 насл бериши аниқланди.

Қуртнинг биринчи насли камида — 185, энг

кўпи билан — 282, ўртача — 238 дир; иккинчи насли камида — 132, энг кўпи билан — 293, ўртача — 216 ва учинчи насли камида — 196, энг кўпи билан — 313, ўртача — 254 та тухум қўйганлиги аниқланди.



3-расм. Бир йиллик ток новдасидаги қуртлар.

Қуртлар Фарғона области шароитида 20—30 мартдан бошлаб уйғона. бошлайдилар ва тухум қўядилар. Ялпи тухум қўйиш 15—20 апрелдан бошланади. Биринчи насл личинкаси тухумдан май ойининг иккинчи ярмида чиқади. Унинг ри-

вожланиши 16 майдан 8 июлгача давом этади, яъни 53 кун давом этади. Иккинчи насл личинканинг тухумдан чиқиши июлнинг биринчи ярмида бошланиб, ривожланиши 9 июлдан 17 августгача, яъни 39 кун давом этади.

Учинчи насл личинкасининг тухумдан чиқиши августнинг иккинчи ўн кунлигига тўғри келади. Личинкаларнинг ривожланиш даври 18 августдан 24 сентябргача, яъни 37 кун давом этади.

Ток унсимон қуртининг ёз давридаги кўпайиши об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлади. Я. И. Принцнинг кўрсатишига қараганда, ҳавонинг оптимал ҳарорати 22—25 градус ва ҳавонинг намлиги 45—75 процентдан ортиқ бўлмаганда унинг ривожланиши қулай бўлади. Лекин ҳарорат 26—28 градусга кўтарилганда қуртларнинг ривожланиши сусаяди, деган маълумотлар бор.

Ёз ойларида ток унсимон қуртининг ривожланишига ҳарорат ва нисбий намликнинг қанчалик таъсир этишини Фарғона область шароитида аниқлаш мақсадида 1962 йилда Қўқон шаҳрида унинг ривожланиш динамикаси ҳисобга олинди (1-жадвал).

1-жадвал

1962 йилда Қўқон шаҳридаги тоқларда ток унсимон қурти сонининг кўпайиш динамикаси

Ҳисобга олиш муддати	100 та новда барг- ларидаги қурт- ларнинг сони	Новдалар зарар- ланишининг про- центи
20.VI	116,0	52
24.VI	228,0	44
2.VII	730	54
20.VII	3313	50
8.VIII	7637	54
4.IX	12.979	75

¹ Принц. Я. И. Вредители и болезни виноградной лозы, 1962 г.

Бизнинг ҳисоблашимиз бўйича июлнинг ўн кунлигида узум бошларида қуртларнинг сони ток баргларидагига нисбатан икки барабар ортиқ эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Ток барглари ва узум бошларидаги қуртларнинг солиштирма миқдори

Участка №	Ток унсимон қуртларининг ўртача сони	
	100 та новда баргларида	100 та узум бошларида
1	52	201
2	76	370
3	152	154
4	179	249
5	777	310
6	280	527
7	279	527
8	271	537
ўртача	183	359

Принц маълумотлари билан бизнинг 1962 йил июнь ойида ўтказган тажрибаларимиз натижаларини таққослаганимизда қуртлар сонининг анча кўпайганлигини кўрамиз. Бунинг сабаби бизнингча, ҳаво намгарчилигининг фарқида бўлса керак. Фарғона областининг Қўқон шаҳрида тажриба ўтказилган вақтдаги ҳаво ҳарорати ва намликнинг миқдорини 3-жадвалда кўриш мумкин.

Принц, ҳарорат 26—28 градус бўлганда, қуртларнинг ривожланиши сусая бошлайди, деб кўрсатганлиги ҳақида юқорида айтган эдик. Бизнинг тажрибаларимиз эса Фарғона шароитида ҳарорат 22—25 градусдан юқори, намлик 45—75 процентдан кам бўлганда ҳам қуртларнинг ривожлана бериши мумкин эканлигини исбот этди. Яъни ҳаво ҳарорати 29,6—27,5 градус, намлиги 41—53

процент бўлганда қуртлар жуда ҳам кўпайиб кетди (ривожланиши яхши бўлди).

3-жадвал

1962 йил Қўқон шаҳрида ҳавонинг ҳарорати
ва намлиги

Ой	Ўн кунликнинг ўртача ҳарорати			Ўн кунликдаги кунларнинг нисбий намлик проценти		
	I ўн кун-лик	II ўн кун-лик	III ўн кунлик	I ўн кун-лик	II ўн кун-лик	III ўн кунлик
I	2,1	— 2,6	— 1,4	—	—	—
II	3,2	4,9	7,8	—	—	—
III	8,4	13,4	15,4	—	—	—
IV	14,8	14,7	17,8	54	51	59
V	20,7	20,9	22,2	50	52	51
VI	25,6	22,9	25,8	51	47	40
VII	29,6	28,1	27,5	41	46	49
VIII	25,9	25,5	23,3	45	53	54


Зарари

Ток унсимон қурти кўп хил ўсимликлар билан озиқланидиган зараркунандалардан ҳисобланади. Масалан, у ток, цитрус ўсимликлари, анжир, ҳар хил полиз экинлари ва зийнат ўсимликларига зарар етказди. Хусусан, ток ва анжир ўсимликларига катта зарар етказди. Баҳорда ўсимликларга сув югуриши биланоқ бу қуртлар кўп йиллик ток новдаларига ўрнашиб ток шираси билан озиқланади. Натижада ток новдаларининг ривожланишига тўсқинлик қилади, зарарланган токлар тўлиқ чангланмайди, мева тугмайди. Агарда унга қарши кураш ўтказилмаса ва токлар бир неча йил мобайнида зарарланса, унда токлар нобуд бўлади — қуриб қолади.

Кузатишлар биринчи насл қуртлар занг пўстлогини остида уйғониб, унинг шираси ҳисобига ривожланишини кўрсатди. Кейинчалик новдаларга ўтиб, янги чиқаётган куртак атрофида ўрнашади

ва куртакнинг шираси ҳисобига озиқланади. На-
тижада куртак яхши ривожланмайди, айрим ҳол-
ларда ривожланган куртак аста-секин қуриб қо-
лади (3-расм).

Иккинчи наслнинг личинкалари ва қуртлари
куртаклар, новдалар ва барг томирларининг ён-



4-расм. Ток баргидаги қуртлар.

ларида ўрнашиб озиқланади ва кейинчалик тўғридан-тўғри узум бошларига ўта бошлайди (4-расм).

Учинчи наслнинг личинка ва қуртлари барглар, кўпинча эса узум бошлари билан озиқланиб, уларга катта зарар етказади. Бунда узум гужумлари бужмайиб, истеъмол қилишга мутлақо ярамайдиган бўлиб қолади. Маълумотларга қараганда Закавказье тоқларидаги қуртларнинг ялпи ривожланиши даврида узум ҳосили 40—60 процент, Қрим областида 75—80 процентгача, Фарғона областида қуртга қарши кураш чоралари қўлланилмаган районларда узум ҳосили 80—85 процентгача камайиб кетганлиги аниқланди.

Кураш чоралари

Ток унсимон қуртига қарши курашни бир неча хил усуллар билан ўтказиш керак бўлади, жумладан: биологик, химик, физик-механик ва агротехник методлар билан. Биологик усулда курашганда крептолемус қўнғизи ток унсимон қуртини йўқотиш учун қўлланилади, чунки бу қўнғиз ток унсимон қуртлари билан овқатланиб, улар сонини камайтиради.

Физик-механик усулда курашганда тубандаги чоралар қўлланади: ток бўғинларига, тирговучларга фосфорорганик препаратлар билан заҳарланган латта ёки қоғоз белбоғлар боғланади. Бу заҳарли белбоғлар орасига ток қуртларининг маълум миқдори кириб қолади. Бунда улар заҳарланиб ўлади. Совуқ тушиши билан бу белбоғлар йиғиб олиниб ёқиб юборилади. Белбоғлар билан бирга қуртларнинг қолган қисми ҳам ёниб кетади. Кузда тўкилган ток барглари ҳам йиғиб ёқилади. Қуртларга қарши агротехник чоралар қўлланганда, тоқзордаги бегона ўтлар химик ва

механик усуллар билан йўқотилади. Ток ва унинг атрофидаги дарахтларни қуриган пўстлоқлардан тозалаш керак. Бунинг натижасида зараркунаданинг бир қисми йўқолади.

Ток унсимон қуртларига қарши ўтказиладиган кураш методларининг энг муҳим ва сернатижалиларидан бири химиявий усулдир.

Бу қуртга қарши курашишнинг қийинчилиги шундаки, унинг устки мумсимон қатлами химик заҳарларни тўғридан-тўғри таъсир этишни қийинлаштиради. Ток унсимон қуртининг оғиз аппарати ўсимликни сўришга мойил бўлгани учун оддий ташқи заҳарли модда (анабазин, никотин сульфатлари ва шуларга ўхшаганлар) тўла натижа бермайди. Аксинча, қуйида кўрсатиладиган фосфорорганик бирикмалар яхши таъсир этади. Чунки бу препаратлар ўсимлик баргларининг паринхимасига ўтиб, овқат билан бирга ҳашаротнинг ичагига ўтади. Фосфорорганик препаратлардан тиофос, карбофос, трихлорметифос-3 ва хлорофосларни кўрсатиш мумкин.

Ток унсимон қуртига қарши курашда ишлатиладиган фосфорорганик препаратларнинг хусусиятларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Тиофос

Тиофос — (НИУИФ-100, диэтил-4, нитрофенил-тиофомфат) кучли таъсир этувчи заҳарлардан биридир. Саноат уни 30 ёки 20 процентли концентрат тарзида чиқаради. 20 процентлисини метилэтил-тиофос дейилади. Тиофос тўқ жигар ранг ёғсимон суюқлиқ бўлиб, ҳиди жуда ҳам ёқимсиз бўлади. Бу препарат ўргимчаккана, трипс, шира ва қалқонли битларга қарши ишлатилади.

Ток унсимон қуртига қарши кураш учун 0,2—0,3 процентли (100 литр сувга 200—300 грамм) тиофоснинг эритмаси ишлатилади. Тиофос одам

ва уй ҳайвонлари учун ҳам қаттиқ (кучли) таъсир этадиган заҳарлардандир.

Карбофос — енгил ҳаракатланувчи, таъсирчан заҳар, ранги оч жигар рангдан тўқ жигар ранггача бўлиб, ҳиди ёқимсиздир. Карбофос ток унсимон қуртидан ташқари, ўсимлик каналари, ширалари, трипсларга қарши ишлатилиши мумкин. Ток унсимон қуртига қарши курашда унинг 0,3—0,4 процентли (100 л сувга 300—400 грамм) эритмаси ишлатилади.

Трихлорметофос-3 — ёғсимон суюқлик бўлиб, ранги сарғиш-жигар рангдир, ҳиди ёқимсиз. Тиофос препаратига нисбатан трихлорметофос-3 нинг инсон ва ҳайвонларга таъсири камроқ ҳисобланади. Ток унсимон қуртига қарши курашда трихлорметофос-3 нинг 0,2—0,3 процентли (100 литр сувга 200—300 грамм) эритмаси пуркаш усули билан қўлланилади.

Хлорофос — саноатда суюқ ва 50 процентли концентрат порошок ҳолатида чиқарилади. 50 процентли хлорофос оқ кристалл моддадан иборат. Очиқ ҳавода у кўпроқ туриб қолса, намланади. Сувда яхши эрийди, минерал ёғларда эса аксинча эрмайди. Ток унсимон қуртига қарши хлорофоснинг 0,3—0,4 процентли (100 литр сувга 300—400 грамм) эритмаси пуркаш усулида ишлатилади.

Юқорида кўрсатилган фосфорорганик препаратлар билан пуркаш эрталаб ёки кечқурун ўтказилади. Дориларни ишлатганда метеорологик шароитни назарда тутиш керак бўлади, чунки ёмғир олдидан, кўп шудринг тушганда ёки шамол вақтида дорини сепиш кутилган натижани бермайди. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, тоқларга дори сепиш ҳосилни йиғиб олишга 2—4 ҳафта қолгунгача мумкин, чунки шу муддатдан

кам бўлганда, заҳар таъсири мевада сақланиши мумкин.

Юқорида айтилган химикатларни қўллашда қуйидаги эҳтиёт чоралар қўлланилади. Дори сепувчи киши маска ёки у бўлмаган тақдирда, респиратор, резинка қўлқоп, резинка этик ва шунга ўхшаган дорини ўтказмайдиган махсус кийимлар кийиши керак. Акс ҳолда дори сепувчининг ўзи ҳам заҳарланиши мумкин. Дори пуркаш аппаратларидан қўл пуркагич аппарат ОРП, бочкали ОБП-К, трактор пуркагич ОУН-4, ОУН-4—6 ёки ОТН-4—8 лардан пуркалиши керак.

Қўл пуркагич аппарати ОРП кичик хўжаликларда, каттароқ хўжаликларда бочкали пуркагич — ОБП-К, колхоз ва совхознинг боғдорчилик ишларида эса трактор пуркагич қўлланилади. Дори сепилганда заҳарли химикат токнинг барглари, меваси ва танасининг ҳаммасига текис тегиши зарур. Чунки заҳар тегмаган токларда қолган ток унсимон қурти яна кўпайиб кетиши мумкин. Ток унсимон қуртини тубдан қириб ташлаш учун токни бир неча карра, яъни 2—3 марта юқорида айтилган заҳарли химикатлар билан пуркаш зарур.

Юқорида тавсия этилган химик препаратларнинг сернатижали эканлиги бизнинг тажрибаларимизда яққол намоён бўлди.

1962—1963 йил Фарғона областининг Ленинград районидаги «Энгельс» колхози токларида ток унсимон қуртига қарши қуйидагича дозадаги фосфорорганик препаратлар синалди: 0,3 процентли трихлорметофос-3; 0,3—0,4 процентли карбофос, 0,4 процентли тиофос ва 0,2—0,4 процентли хлорофос ишлатилди.


Дориларнинг техник эффекти (яъни ток унсимон қуртининг қирилиш проценти) сепилгандан 5 кун кейин ҳисобга олинди (4-жадвал).

Ток унсимон қуртига қарши сепилган (пуркалган)
дори­ларнинг натижаси

Вариантлар	100 та новдалар- даги қуртларнинг сони		Ток унсимон қуртининг дори сепилгандан кейинги процен- ти (дори сепилгангача бўл- ган миқдорига нисбатан)	Қуртларнинг қирилиш про- центи
	дори сепилган- гача	дори сепилган- дан кейин		
Контроль	253	445,6	17,61	—
Трихлорметафос-3 нинг 0,3 % лиси	222,3	3,27	1,4	99,2
Контроль	306	428,8	140	—
Карбофоснинг 0,3% лиси	117,1	10,1	9,1	93,5
Контроль	488,2	806,6	165,2	—
Карбофоснинг 0,4% лиси	567,0	4,47	0,8	99,8
Контроль	806,5	808,3	102,0	—
Тиофоснинг 0,4 % лиси	513,2	5,35	1,0	99,0
Контроль	691,0	1010,4	146,2	—
Хлорофоснинг 0,2% лиси	660,0	26,16	4,0	97,3
Хлорофоснинг 0,4% лиси.	672,2	1,75	0,26	99,83

4-жадвалда келтирилган рақамлардан фосфорорганик препаратларнинг ток унсимон қуртига қарши яхши натижа берганлиги кўриниб турибди.

Фосфорорганик препаратларни юқорида кўрсатилган норма ва қоидаларга риоя қилган ҳолда ишлатишимиз лозим. Бу эса партия ва давлатимиз томонидан мевачиликни ривожлантириш соҳасида колхоз ва совхозлар олди­га қўйилган катта вазифаларни ортиғи билан бажаришга имкон берадиган катта резервлардан биридир.



МУНДАРИЖА

Кириш	3
Ток унсимон қуртининг тарқалиши . . .	4
Таърифи.	5
Ҳаёт кечириши ва ривожланиши . . .	7
Зарари	11
Кураш чоралари	13
Тиофос	14

На узбекском языке

А. НАСЫРОВ

ВИНОГРАДНЫЙ МУЧНИСТЫЙ ЧЕРВЕЦ И БОРЬБА С НИМ

Объединенное издательство
„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“
и „Ўзбекистон Сурх“
Ташкент — 1963

Редактор К. Мирпўлатов
Техредактор В. Зубовская Корректор В. Ҳакимов

Теришга берилди 23/X 1963 й. Босишга рухсат этилди 19/XII 1963 й.
Қоғоз формати $84 \times 108 \frac{1}{32}$. Босма листи 0,62. Шартли босма листи 1,03.
Нашриёт ҳисоб листи 0,8. Тиражи 10500. Нашр. № 382 Р15264.
Заказ № 4430. Баҳоси 4 тийин.

„Қизил Ўзбекистон“, „Правда Востока“ ва „Ўзбекистони Сурх“ бирлашган нашриёти
ва босмахонаси. Тошкент, „Правда Востока“ кучаси, уй № 26.

Баҳоси 4 тийин.

Индекс 75423